

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.3/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИЕВА ГОЗЗАЛ АЛИЕВНА

ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАЛАРРИВОЖЛАНИШИНИ
БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
in Economic Sciences**

Алиева Гоззал Алиевна

Ижтимоий инфратузилмалар ривожланишини бошқаришни
такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида) 3

Алиева Гоззал Алиевна

Совершенствование управления развитием социальной
инфраструктуры (на примере Республики Каракалпакстан)..... 27

Aliyeva Gozzal Aliyevna

Improving management of the development of social infrastructure
(on the example of the Republic of Karakalpakstan)..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.3/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИЕВА ГОЗЗАЛ АЛИЕВНА

ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАЛАР РИВОЖЛАНИШИНИ
БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Iqt431 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлатуниверситетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида(www.tsue.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ғойибназаров Баҳодир Каримович
иқтисодиётфанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Икрамов Мурат Акрамович
иқтисодиётфанлари доктори, профессор

Хонкелдиева Гузал Шеровна
иқтисодиётфанлари доктори, доцент

Етақчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.3/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» ____ кунин соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tsue@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Ғафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

Ш.Дж.Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ижтимоий инфратузилма ривожланишини бошқаришнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, малакали, рақобатдош кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли саломатлигини таъминлашга қаратилган инновацион бошқарув стратегияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Халқаро ташкилотларнинг баҳолашича, бугунги кунда хорижий давлатларда ижтимоий соҳаларнинг ривожланишига давлат бюджетининг қарийб учдан бир қисми сарфланмоқда»¹. Жаҳон ижтимоий инфратузилмаси ривожланишининг ҳозирги босқичида АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси, Европадаги иқтисодиёти ривожланган давлатларда ижтимоий инфратузилма соҳаларининг бошқариш тузилмалари, унинг мақсадли ривожланиш йўналишлари ва мазмунига муҳим аҳамият берилмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида ижтимоий инфратузилмалар субъектларининг инновацион ривожланишини таъминловчи бошқариш стратегияларига асосланган илмий тадқиқотлар, жумладан, ижтимоий инфратузилманинг ташкилий ва бошқарув тузилмасини инновацион асосда янада такомиллаштириш, самарали таълим сиёсати, уй-жой ҳамда соғлиқни сақлашнинг самарали бошқарув механизмларини ишлаб чиқиш бўйича тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда. Ҳозирги шароитда ижтимоий инфратузилмалар субъектларининг ўзига хос илмий-услубий асосларини ўрганиш, асосий йўналишларини белгилаш, иқтисодий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш, комплекс интеграл баҳолаш, моделларини тузиш асосий илмий тенденциялардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда ижтимоий инфратузилмаларни бошқариш амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Республикамиз ҳудудларида ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришда бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ривожлантириш ҳамда бошқариш стратегияси салоҳиятини оширишга қаратилган ишлар амалга оширилди. Аммо, замонавий ижтимоий хизматларга бўлган талаб ўзгараётганлиги мазкур соҳанинг моддий-техника базасини яхшилаш ва муҳим ўзгаришларни амалга оширишни заруриятга айлантормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида «...ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлаш мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида ижтимоий инфратузилмалар ривожланишини бошқаришни такомиллаштиришни тақозо этади.

¹ <http://mirznanii.com/a/257730/rol-promyshlennosti-v-mirovom-khozyaystve;www.wb.org;https://stud-files.net/preview/4404434/page:30/>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, Фармони, -1-илова. www.lex.uz.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сон «Ёшлар – келажагимиз» Давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 24 апрелдаги ПҚ-2922-сон «2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон «Ҳар бир оила-тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги, 2018 йил 29 мартдаги ПҚ-3630-сон «Обод қишлоқ» дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сон «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда бошқариш хорижлик олимлардан И.Шумпетер, М.Портер, А.Райзберг, П.Довлинг, Р.Каплан, Д.Нортон, П.Друкер ва бошқаларнинг³ тадқиқот ишларида кенг ёритилган.

МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларидан Т.Н.Арбузова, С.Г. Важенин, А.И.Гаврилов, А.Г.Гранберг, А.Д.Еременко, Н.Н.Некрасов, А.Г.Синельников, Ж.Т.Тощенко⁴ ва бошқалар асарларида ижтимоий инфратузилмалар ривожланиши ва бошқаришнинг назарий ва амалий муаммолари ўз аксини топган.

Республикада олимларидан С.Гулямов, Н.Йўлдошев, Ш.Шодмонов, А.Расулов, М.Шарифходжаев, Б.Ғойибназаров, Ш.Зайнутдинов, А.Шарипов, Б.Салимов, Х.Муҳитдинов⁵ ва бошқалар томонидан ижтимоий

³ Шумпетер И. Теория экономического развития (исследование предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры). - М.: Прогресс, 1982. – 160 с; Shumpeter In Business Cycles Miogrow-Hill.-New York, 1939; Портер М. Конкуренция / М.Портер; пер. с англ. О.Л.Пелявского [и др.]. – Исправ. изд. – М.: Вильямс, 2005. – 602 с; Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. – М.: 2003; Dowling P. Completing the puzzle: Issues in the development of the field of international human resource management // Management in tern, rev.-Wiesbaden. 1999. Vol. 39. № 3; Kaplan R., Norton D.: Balanced Scorecard: Strategický systém merania výkonnosti podniku. Management Press, Praha 2002. ISBN 80-7261-063-5; Друкер П.Ф. Эффективное управление (Пер. с англ.). – М.: ЗАО НПП «Ермак», 2004. – 284 с.

⁴ Арбузова Т.Н. Социальная инфраструктура: проблемы и перспективы. – М.: Знание, 2008. – 105 с.; Важенин С.Г. Региональные особенности развития социальной инфраструктуры. – М.: Мысль, 2002. – 220 с.; Гаврилов А.И. Региональная экономика и управления: Учебное пособие. – М.: ЮНИТИ, 2002. – 239 с; Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. – М.: ГУ ВШЭ, 2000; Еременко А.Д. Инфраструктура общества. – М.: Наука, 2001. – 165с; Некрасов Н.Н. Региональная экономика. – М.: Экономика, 2002. – 354 с; Синельников А.Г. Социальная инфраструктура: вопросы теории и практики. – Спб.: Питер, 2003; Тощенко Ж.Т. Социальная инфраструктура: сущность и пути развития. – М., 2003. – 15с.

⁵ С.С.Гулямов, Н.Х.Жумаев, Д.А.Рахманов, М.М.Ташходжаев. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. -Т.: Iqtisodiyot, 2019; Н.Қ. Йўлдошев. Стратегик менежмент. ўқув қўлланма. – Т.:

инфратузилмалар ривожланишини бошқариш йўналишларининг назарий ва амалий муаммоларига доир қатор тадқиқотлар олиб борилган.

Юқорида номлари зикр этилган хорижлик ва маҳаллий олимларнинг илмий тадқиқотларида ижтимоий инфратузилма ривожланишини бошқариш йўналишлари айнан глобаллашув шароитида минтақа миқёсида кенг ўрганилмаган. Бу борада етарли тадқиқотлар ҳам олиб борилмаган. Шу боисдан, мазкур тадқиқот иши мавзуси танланган.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, Ф-1-77 рақамли «Жанубий Орол бўйи экологик шароитида шимолий-ғарбий Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий жадал ривожлантиришнинг минтақавий методикасини, методологиясини ва стратегиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа (2012-2017й) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳудудларда ижтимоий инфратузилмалар ривожланишини бошқаришни такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ижтимоий инфратузилма моҳиятини очиш орқали унинг энг муҳим мақсадли вазифаларини танлаш;

ижтимоий соҳада инновацион жараёнларни бошқариш бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиб, мақбулларида маҳаллий даражаларда фойдаланиш йўллари асослаш;

ижтимоий инфратузилманинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омилларни асослаш;

ижтимоий инфратузилмани бошқариш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш;

ижтимоий инфратузилма ривожланишини бошқариш самарадорлигини баҳолаш услубини таклиф этиш;

Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий инфратузилма ривожининг замонавий ҳолатини таҳлил этиб, илмий хулосалар чиқариш;

ижтимоий инфратузилма ривожланишида минтақавий номутоно-сибликни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган ҳудуд ижтимоий инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш;

ТДИУ, 2012, 140. - б; Шодмонов Ш., Ҳамроев О., Юсупов Р. Замонавий бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти: ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. - 143б; Расулов А., Денисов Ю. Проблемы структурных изменений в экономике Узбекистана //»Мировая экономика и международные отношения».- 2000, №3. – 80-84 с; Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. – Т.: Ўқитувчи, 2001. – 702 б; Ғойибназаров.Б.К.Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш.Монография. –Т.: ФАН, 2006.–Б.125; Зайнутдинов Ш.Н., Шермухамедов А.Т.Менежмент назарияси. Дарслик. –Т.:»Иқтисодиёт», 2014.–270б; Шарипов А.Ю. Социальная инфраструктура. – Новосибирск, 2002.; Салимов Б.Т., Ўрақов Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти: ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 292 б; Муҳитдинов Х.С. Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ҳудудлар ижтимоий ривожланиш жараёнларини моделлаштириш: иқт.фан докдисс.автореф, – Т.: ТДИУ, 2009. – Б.151.

худуд аҳолиси турмуш сифатини баҳолаш услубини яратиш ҳамда уни қўллаш орқали худуд ижтимоий инфратузилмаси ривожланишини бошқариш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий соҳа объектлари (таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва санъат, уй-жой коммунал хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш) танланган.

Тадқиқотнинг предмети худудда ижтимоий инфратузилмалар ривожланишини бошқариш жараёнидаги иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, қиёсий таққослаш, статистик гуруҳлаш, танлаб кузатиш, корреляцион-регрессион таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

муқобил ресурслар тақсмотини таъминлайдиган ички интеграция бошқаруви конвергенция концепциясига таянган ҳолда минтақавий тенгсизликни баҳолаш асосида такомиллаштирилган;

худуд ижтимоий инфратузилмаси ривожланишини бошқариш самарадорлигини баҳолаш мезони аҳоли турмуш сифати ва меҳнатга лаёқатли аҳоли миграцияси жараёни ўртасидаги ўзаро алоқанинг интеграллашган кўрсаткичлари асосида такомиллаштирилган;

худуд ижтимоий инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий механизми ижтимоий инфратузилма объектлари фаолиятида кооператив алоқаларни йўлга қўйиш, меҳнатга лаёқатли аҳоли миграциясини тартиблаштириш, янги иш ўринларини яратиш, шартномавий муносабатларни бозор тамойиллари асосида шакллантириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини оширишга йўналтирилган тизимли ёндашув асосида такомиллаштирилган;

ижтимоий инфратузилма ривожланишини бошқаришнинг иқтисодий механизми аҳоли турмуш сифатини демографик, ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг интеграл кўрсаткичи орқали баҳолаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маиший хизматлар учун тўловлар тушуми тўлиқлигини тартиблаштириш механизми ишлаб чиқилган;

демографик, ижтимоий, иқтисодий ривожланиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичларнинг мувозанатлаштирилган тизими ва интеграл кўрсаткичи асосида қишлоқ аҳолиси турмуш сифатини баҳолаш усули такомиллаштирилган;

аҳоли турмуш сифати ва меҳнатга лаёқатли аҳоли миграцияси жараёни ўртасидаги ўзаро алоқанинг корреляцион-регрессион модели яратилган ва ушбу модел асосида меҳнатга лаёқатли аҳоли миграциясини бошқаришнинг тартиблаштириш механизми ишлаб чиқилган;

худуд ижтимоий инфратузилмаси ривожланишини бошқаришнинг услубий жиҳатлари менежментнинг замонавий ёндашувлари ва тамойиллари асосида такомиллаштирилган;

ижтимоий инфратузилмани бошқаришнинг мувозанатланган кўрсаткичлар тизими ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий, миграцион ва демографик омилларни ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация натижалари ва хулосаларининг ишончлилиги муаллиф томонидан тадқиқот ишига доир хорижий ҳамда маҳаллий олимлар олиб борган илмий-назарий, методологик тадқиқотлар асосида, фойдаланилган ахборот базасининг ишончлилиги улар расмий манбалардан олинганлиги билан, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг ишончлилиги улар ҳудудларда ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича қабул қилинган устувор йўналиш ва дастурларга қай даражада мувофиқлиги ҳамда тегишли хулосалар ваколатли вазирлик, тузилма ва ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда бошқаришга оид дастурлар қабул қилиш, ижтимоий инфратузилма соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш ва уларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш, ижтимоий инфратузилма бошқарувини такомиллаштиришда, ижтимоий инфратузилма ривожланишида минтақавий номутаносибликни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, ижтимоий инфратузилманинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омилларини асослаш ва демографик, ижтимоий, иқтисодий ривожланиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичларнинг мувозанатлаштирилган тизими ва интеграл кўрсаткичи асосида қишлоқ аҳолиси турмуш сифатини баҳолашда услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда ишлаб чиқилган минтақада ижтимоий инфратузилмани самарали бошқариш тизимини яратиш ва баҳолаш билан боғлиқ натижалар республикамиз минтақаларида, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий инфратузилмани бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш борасида истиқболли дастур ва комплекс чора-тадбирлар, йўл хариталари мажмуини ишлаб чиқиш имконини беради. Шунингдек, айрим илмий-назарий хулосалардан иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида «Менежмент», «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти», «Инновацион менежмент» каби фанлардан ўқув-услубий қўлланмалар ва дастурларни ишлаб чиқишда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ижтимоий инфратузилмалар ривожланишини бошқаришни такомиллаштириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

муқобил ресурслар тақсимотини таъминлайдиган ички интеграция бошқарувини конвергенция концепциясига таянган ҳолда минтақавий тенгсизликни баҳолаш асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг ижтимоий-иқтисодий соҳалари фаолиятини ривожлан-тиришда фойдаланиш учун жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 27 июндаги 01/688-сон маълумотномаси, 2019 йил 27

июндаги 01/688-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий соҳалари фаолиятини ривожлантиришга ва бошқариш имкониятларини оширишга эришилган;

худуд ижтимоий инфратузилмаси ривожланишини бошқариш самарадорлигини баҳолаш мезонини аҳоли турмуш сифати ва меҳнатга лаёқатли аҳоли миграцияси жараёни ўртасидаги ўзаро алоқанинг интеграллашган кўрсаткичлари асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг ижтимоий инфратузилма соҳалари фаолиятида фойдаланиш учун жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 27 июндаги 01/688-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида худуд ижтимоий инфратузилмаси соҳаларининг иқтисодий самарадорлиги 12,0 фоизга ошган;

худуд ижтимоий инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий механизми ижтимоий инфратузилма объектлари фаолиятида кооператив алоқаларни йўлга қўйиш, меҳнатга лаёқатли аҳоли миграциясини тартиблаштириш, янги иш ўринларини яратиш, шартномавий муносабатларни бозор тамойиллари асосида шакллантириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини оширишга йўналтирилган тизимли ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг худуд ижтимоий инфратузилмаси бошқаруви фаолиятида фойдаланиш учун жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 27 июндаги 01/688-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар амалиётга жорий этилиши худуд ижтимоий инфратузилмаси бошқаруви самарадорлиги ошиши натижасида аҳолининг бандлик даражасини 7 % га ошиши таъминланган;

ижтимоий инфратузилма ривожланишини бошқаришнинг иқтисодий механизми аҳоли турмуш сифатини демографик, ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг интеграл кўрсаткичи орқали баҳолаш асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг ижтимоий инфратузилмалар ривожланишини бошқариш фаолиятида фойдаланиш учун жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 27 июндаги 01/688-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларни амалиётга жорий этилиши ижтимоий инфратузилмалар ривожланишини бошқариш самарадорлигини 10,0 фоизга оширган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, 4 та ўқув методик қўлланма, шунингдек, хорижий журналларда 4 та илмий мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда 5 та илмий мақола нашр этилган

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ижтимоий инфратузилмани бошқаришнинг назарий-услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида ижтимоий инфратузилманинг моҳияти, таркибий қисмлари ва ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий инфратузилма ривожини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини танлаш йўллари, ушбу соҳани инновацион бошқаришнинг назарий-услубий асослари тадқиқ этилган.

Бугунги рақобат шароитида миллий иқтисодиётнинг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланган ижтимоий хизматлар соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ижтимоий хизматлар бозори субъектларитаълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, маданият ва санъат, ижтимоий таъминот, савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат, йўловчи транспорти, уй-жой коммунал хўжалиги ва бошқа тармоқлар жадал ривожланиши республикамизда шаклланаётган бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлигини билдиради. Инфратузилма яратилиши моддий ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг ривожланиши хизмат кўрсатиладиган ва интеграцияланадиган тармоқларда янги ишлаб чиқариш ва фаолият турларини вужудга келтиради. Ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиши эса жамиятдаги тобора катта миқдордаги ресурсларни аҳолига хизмат кўрсатиш учун бўшатади. Шундай қилиб, инфратузилма вужудга келиши жамиятдаги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш натижаси ҳисобланади, унинг мазмуни таркибидаги тармоқлар ички иқтисодий умумийлиги ва маълум бир вазифалар билан белгиланади.

Юқорида баён қилинганларни умумлаштириб, хулоса чиқариш мумкинки, ижтимоий инфратузилма моддий-буюм ҳолидаги муҳит ва ижтимоий субъект (шахс, гуруҳлар, жамият) ўзаро алоқаларини тавсифлайди, жамиятда ишлаб чиқаришни муқобиллаш, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва камол топишига йўналтирилган бўлади.

Ижтимоий инфратузилма вазифалари жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш мақсадлари: жамиятнинг ижтимоий тенглигига ва шахснинг ҳар томонлама баркамол ривожланишига эришишга хизмат қилади.

Ижтимоий инфратузилма ижтимоий-маиший ва ижтимоий маънавий инфратузилмаларни ўз ичига олганлиги боис, унинг ривожланишини бошқариш механизми мураккаб жараёнларни қамрайди. Ижтимоий инфратузилма объектлари ўз фаолиятини олиб бориш жараёнида хизмат кўрсатиши билан биргалликда товар ишлаб чиқаришни ҳам амалга оширади. Улар фаолияти, асосан, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга, ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлади.



1-расм. Ижтимоий инфратузилма элементлари таркибини таснифи⁶

Ижтимоий инфратузилма объектлари фаолиятининг асосий мақсади маиший, маънавий ва маданий эҳтиёжларни қондириш йўли билан шахсни тўлиқ ва ҳар томонлама ривожлантириш ҳисобланади(1-расм).

Тадқиқотда инновацион фаолият ва унинг ижтимоий инфратузилмадаги ўрнига баҳо берилган. Бизнинг фикримизча, инновацион фаолият – ғояларни технологик жиҳатдан янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот ёки хизматларга, бозорда жорий қилинган, амалий фаолиятда фойдаланилган хизматлар кўрсатиш усуллари ёки жараёнларига ўзгартириш билан боғлиқ фаолият ҳисобланади. Инновацион фаолият натижалари инновацияларнинг ташкилот ривожланишига таъсири муҳимлик шкаласи бўйича баҳоланади (паст, ўрта, юқори даража ёки таъсирнинг умуман йўқлиги). Бундай баҳолар негизда инновацион фаолият натижаларининг муҳимлик рейтинглари ҳисоблаб чиқилади.

⁶Эмпирик тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Минтақавий иқтисодиётнинг иқтисодий ўсиш йўналишларини аҳоли турмуш сифатини оширишга йўналтириш бу соҳага инвестициялар ҳажмини кўпайтиришга олиб келади. Минтақанинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш даражасини баҳолаш учун биз томонимиздан тегишли кўрсаткичлар тизимини таклиф этилди (1-жадвал).

1-жадвал

Минтақанинг ижтимоий инфратузилмасини тавсифловчи ривожланиш кўрсаткичлари⁷

Ижтимоий инфратузилма хусусиятлари	Ижтимоий инфратузилманинг ривожланиш кўрсаткичлари
1. Демографик вазиятни яхшилаш	минтақада аҳолининг ўсиш суръати; минтақада аҳолининг кутилаётган умр узунлиги; минтақада барча сабаблардан ўлим кўрсаткичлари
2. Уй-жой муаммоларини қилиш соҳаси ҳал	ўртача бир кишига тўғри келадиган турар-жой бинolari умумий майдони; капитал таъмирлашга муҳтож бўлган турар-жой улуши; минтақада истиқомат қиладиган фуқаролар учун турар-жой уйларни қуриб топшириш; минтақада 1 кв.метр турар-жой учун бозор нархи
3. Инфратузилмани ривожлантириш	водопровод, сув чиқариш, иситиш, иссиқ сув таъминоти, электр печлари билан жиҳозланган умумий майдоннинг улуши; минтақани газлаштириш даражаси
4. Аҳоли фаровонлигининг ўсиши	минтақада ўртача иш ҳақи; минтақада уй хўжалигининг бир аъзосига уй хўжаликлари тасарруфидаги реал даромадлар; минтақада расмий ишсизлик даражаси
5. Соғлиқни сақлашни ривожлантириш ва соғлиқни сақлаш ҳолати	минтақада амбулатор-поликлиника муассасалари қуввати; ҳар 10000 аҳолига тўғри келадиган касалхонадаги ўринлар сони
6. Таълим соҳасини ривожлантириш	мактабгача ёшдаги болаларнинг мактабгача таълим муассасаларидаги ўринлар билан таъминланганлиги; олий касб таълими муассасалари сони
7. Аҳолини ижтимоий фаолиятга жалб қилиш	минтақа ижроия ҳокимияти органларининг аҳоли учун қабул кунлари ва соатлар сони; муҳим масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш имконияти; минтақада овоз бериш фаоллиги

Минтақавий ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш даражасини баҳолаш кўрсаткичлари аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш, унинг фаровонлиги ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш, соғлом, ижодий фаол авлодни шакллантириш ва қайта тиклашга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг асосий вазифаларини инобатга олиши керак. Бу, энг аввало, аҳолининг сифатли уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, ижтимоий инфратузилмани

⁷ Эмпирик тадқиқотлар асосида шу кўрсаткичлар танлаб олинди.

ривожлантириш даражаси ва сифатини ошириш, инсон ҳаётининг маданий соҳасини яратиш, ҳаёт ва меҳнатнинг экологик шароитларини яхшилаш; меҳнат унумдорлигини ошириш; аҳолининг барча гуруҳлари, шу жумладан, ёшлар ва пенсионерларнинг ижтимоий ҳимоя кафолатларини яратиш ва бошқа кўрсаткичларни тизимли баҳолашда намоён бўлади.

Диссертациянинг «Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий инфратузилма ривожланишини бошқаришнинг ҳозирги ҳолати ва таҳлили» деб номланган иккинчи бобида республикада ижтимоий соҳа ривожланишининг иқтисодий таҳлили ҳамда инфратузилма таркиби ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва мавжуд муаммоларини ўрганиш натижаларига асосланиб, уни бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган, шунингдек, таълим хизматлари сифати ва уни ошириш истикболлари ўрганилган.

Диссертацияда ҳудудда ижтимоий инфратузилма ривожланишини инновацион бошқариш самарадорлигини ошириш стратегияси ишлаб чиқилган (2-расм).



2-расм. Ҳудудий ижтимоий инфратузилма ривожланишини бошқариш самарадорлигини ошириш стратегияси⁸

Ушбу босқичлар асосида иш кўриш ҳудудларнинг кенгайтирилган ижтимоий-иқтисодий таҳлилини амалга ошириш, инновацион бошқаруви ва уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, кўрсаткичлар тизимини

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

такомиллаштириш, бошқарув самарадорлигини баҳолаш, уларни ошириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имкониятларини кенгайтиради.

Қорақалпоғистон Республикасида 2017–2018 ўқув йилида таълим тизимида кадрлар сони 22,3 минг нафарни ёки ҳудуд тармоқларида иш билан банд бўлганларнинг 3,2 фоизини ташкил этди. Олий таълим талабалари сони кейинги беш йиллик ичида 5,9 минг нафарга ёки 36,0 фоизга ошган (2-жадвал).

2-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманлар кесимида таълим тизими билан таъминланиш динамикаси (йиллар)⁹

Кўрсаткичлар номи	2000/ 2001	2011/ 2012	2012/ 2013	2013/ 2014	2014/ 2015	2015/ 2016	2016/ 2017	2017/ 2018	2018/ 2019
Умумтаълим мактаблари	763	740	737	720	708	698	705	707	708
Ўқувчилар сони, минг киши	386,1	251,3	248,9	249,5	254,2	262,2	270,9	294,7	326,5
Академик лицейлар	3	10	10	10	10	10	10	9	9
Ўқувчилар сони, минг киши	0,4	7,1	7,1	7,5	7,5	7,4	7,6	6,3	4,8
Касб-хунар коллежлари	20	91	91	93	93	94	94	95	94
Ўқувчилар сони, минг киши	5,2	82,6	75,2	72,4	72,1	72,3	73,3	62,2	38,3
Ўрта махсус билим юртлари	18	-	-	-	-	-	-	-	-
Олий ўқув юртлари	2	2	2	2	2	2	2	2	2
Талабалар сони, минг киши	10,0	15,5	15,9	15,9	16,4	16,9	17,5	19,4	22,3

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг марказлашган тартибда ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 54,4 фоизни, табиий газ билан таъминланиш даражаси 68,2 фоизни ташкил қилган ҳамда ҳар бир кишининг турар жой билан таъминланиши 18,9 м² га тўғри келган. Ичимлик сув билан марказлашган тартибда таъминланиш даражаси паст туманлар қаторига Амударё (25,9%), Беруний (27,0%), Эллиққалъа (31,9), Чимбой (36,2%), Нукус (40,0%), Қораўзак (41,8%), Тўрткўл (44,0%) ва Кегайли (46,4%) туман

лари, табиий газ билан таъминланиши паст туманлар жумласига Амударё (38,3%), Беруний (41,1%) Эллиққалъа (45,4%) ва Қораўзак (51,0%) туманлари киради (3-жадвал).

3-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг 2011-2018 йиллар оралиғида шаҳар ва туманлари кесимидаги уй-жой коммунал хўжалиги таъминоти динамикаси¹⁰

№	Шаҳар ва туманлар	Ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси, фоиз					Табиий газ билан таъминланганлик даражаси, фоиз				
		2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
	Республика буйича	68,1	67,7	56,7	48,2	54,4	92,3	73,0	70,9	65,8	68,2
1	Амударё	38,0	38,1	22,3	18,2	25,9	60,0	39,0	34,6	29,8	38,3
2	Беруний	42,1	42,2	30,7	27,0	27,0	66,3	48,7	53,0	40,7	41,1
3	Қонликўл	53,0	53,1	59,6	58,1	64,7	94,6	85,8	86,5	83,7	82,6
4	Қораўзак	67,1	67,2	35,8	33,0	41,8	82,6	63,2	54,4	50,1	51,0
5	Кегайли	69,1	69,3	46,6	44,5	46,4	90,9	80,3	76,6	68,9	68,7
6	Қўнғирот	76,4	76,5	54,5	51,0	60,4	95,8	84,6	81,6	75,1	77,0
7	Мўйноқ	56,6	56,7	44,3	45,9	54,3	88,3	81,9	78,8	79,8	79,2
8	Нукус	73,2	73,4	32,2	29,5	40,0	96,3	76,9	64,9	57,3	67,8

⁹Қорақалпоғистон Республикаси статистика давлат бошқармаси маълумотлари

¹⁰Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги маълумотлари

9	Тахтакўпир	80,6	80,8	59,4	60,3	60,9	87,4	54,2	69,0	66,9	67,4
10	Тўрткўл	72,5	72,7	46,8	42,3	44,0	83,5	59,6	60,1	55,8	56,3
11	Хўжайли	65,7	65,8	64,4	66,3	72,6	95,8	85,7	84,4	84,9	86,4
12	Чимбой	57,8	57,9	33,3	34,4	36,2	93,9	83,7	74,4	70,5	70,8
13	Шуманой	73,0	73,2	47,2	41,4	53,6	83,0	58,6	59,6	53,1	59,5
14	Элликқалъа	86,0	86,1	31,9	27,6	31,9	75,9	55,6	55,3	44,9	45,4
15	Нукус ш.	91,3	91,5	90,4	90,3	95,4	99,3	99,3	99,0	100,0	100,0
16	Тахиятош ш.	- ^{*II}	-	-	-	87,8	-	-	-	-	100,0

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича шифокорлар билан таъминланиш 2010 йилда 20 та қишлоқ врачлик маскани (ҚВП) шифокорлар билан таъминланмаган бўлса, 2018 йилда барча ҚВПлар (Элликқалъа туманидаги «Чуқурчоқ», Мўйноқ туманидаги «Аққалъа», Тахтакўпир туманидаги «Маржанкўл», Кегайли туманидаги «Аспантай» ҚВПлари) тиббиёт институтлари битирувчиларини мақсадли йўналтириш ҳисобига умумий амалиёт шифокорлар билан тўлиқ таъминланган.


Диссертациянинг «**Худудларда ижтимоий инфратузилма ривожланишини бошқаришни такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида ижтимоий инфратузилма ривожланишида минтақавий номуносивликни баҳолаш орқали ички интеграция бошқарувини такомиллаштириш, ижтимоий инфратузилмада бюджет харажатларини бошқариш усулидан натижаларни бошқариш усулига ўтиш асосида ижтимоий инфратузилмани бошқаришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, демографик, ижтимоий, иқтисодий ривожланиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичларнинг мувозанатлаштирилган тизими ва интеграл кўрсаткичи асосида қишлоқ аҳолиси турмуш сифатини баҳолаш усулини такомиллаштириш, аҳоли турмуш сифати ва меҳнатга лаёқатли аҳоли миграцияси жараёни ўртасидаги ўзаро алоқанинг корреляцион-регрессион моделини яратиш асосида ҳудуд ижтимоий инфратузилмаси ривожланишини бошқариш самарадорлигини баҳолаш мезонини асослаш, менежментнинг замонавий ёндашувлари ва тамойиллари асосида ҳудуд ижтимоий инфратузилмаси ривожланишини бошқаришнинг услубий жиҳатларини асослаш, ҳудуд ижтимоий инфратузилмасини бошқаришнинг аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган ташкилий механизмни такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертацияда Қорақалпоғистон Республикасида ҳудудий ижтимоий инфратузилма ривожланишини бошқаришдаги мавжуд муаммолар ўрганилди ва таҳлил натижалари асосида уларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари аниқланди ҳамда тегишли таклифлар ишлаб чиқилди (3-расм).

Диссертацияда ҳудудий инфратузилмани бошқаришнинг туман кесимидаги мавжуд «чизиқли» бошқарув таркибий тузилмаси ўрнига бозор ва миқозлар дидидаги ўзгаришларга мослашувчан ҳамда ижтимоий соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда самарали бўлган «чизиқли-штабли» бошқарув таркибий тузилмаси таклиф этилди (4-расм). Чизиқли-штаблитузилмада чизиқли тузилма асос қилиб олинади, лекин бошқарувнинг

^{II}Изоҳ. Тахиятош шаҳаринг бошқа туманга қўшилганлиги сабабли маълумот йўқ.

қуйи бўғинга эга ҳар бир бўғинида айрим муҳим муаммолар бўйича штаблар тузилади. Штаблар малакали қарорлар тайёрлайдилар, лекин чизикли тузилма раҳбари тасдиқлаб, қуйи даражага юборади. У штаб тавсияларини мувофиқлаштиради ва натижада бошқарув сифати яхшиланади.



3-расм. Ҳудудий ижтимоий инфратузилма ривожланишини бошқаришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари¹²

Ижтимоий инфратузилманинг ривожланиш бўйича ички минтақавий номуносиблик даражасини ўлчаш учун Европа Иттифоқида интеграция

¹² Муаллиф ишланмаси.

жараёнларини ўрганишда кенг қўлланиладиган конвергенция концепциясига асосланилади. «Конвергенция» атамаси қатнашчи – мамлакатларнинг ривожланиш даражасини яқинлаштиришни англатади¹³.



4-расм. Туман ижтимоий инфратузилмасини бошқаришнинг такомиллаштирилган «чизиқли-штаб» бошқарув тузилмаси¹⁴

Конвергенцияга қарама - қарши тушунча «дивергенция» ҳисобланади¹⁵.

Қорақалпоғистон Республикасида Хоразм вилоятида шаҳар ватуманлар бўйича статистик маълумотлар мавжудлигини ҳисобга олиб, мустакил ўзгарувчилар сифатида иштирок этадиган, ижтимоий инфратузилма ривожланишини акс эттирадиган 9 та кўрсаткич бўйича вариация қаторлари тадқиқ этилди. Бу шуни кўрсатадики, ушбу танланган кўрсаткичлар ҳудуд ижтимоий инфратузилмаси барча бўғинлари фаолияти натижаларини қамраб олган.

Қорақалпоғистон Республикасида y_1, y_2, y_5, y_7, y_8 кўрсаткичлари бўйича σ -конвергенция барқарор жараёнлари кузатилмоқда. Аммо фақат y_1, y_2, y_5, y_7 кўрсаткичлари бўйича 11 йил давомида вариация коэффицентлари 9 %дан ортмайди. Бу эса вариация кучсизлиги ва тўпламнинг бир турдалигидан

¹³Рустамов Н.И., Сафаров Қ.Н. Бухоро вилоятида аҳоли турмуш сифатини ошириш йўллари//Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон тараққиёти ва халқ фаровонлигини ошириш истикболлари:Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами. – Т.: ТДИУ, 2011. Б.185-187; Либман А.М. Эндогенная (де) централизация и Российский федерализм //Прикладная эконометрика, 2008. - № 1(9).–С. 105-112.

¹⁴1-расм асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁵Давыдова З. По материалам аналитической записки Центра экономических исследований «Урбанизация и индустриализация в Узбекистане: вызовы, проблемы и перспективы». - Ташкент, 2009.9-15.-б.

далолат беради. y_8 белгилари сезиларли вариацияланади, бироқ бунда вариация даражаси қисқариш тенденциясига эга бўлади. y_3 ва y_9 қаторларда статистик аҳамиятга молик бўлган β -конвергенция аниқланган, аммо 11 йил давомида бу кўрсаткичлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси туманларида бир хиллик даражасининг юқорилиги сақланиб туради. Аммо, кўрсатилган қаторларда тренд йўқлиги шароитида бу σ -конвергенциядан кўра β -конвергенция мавжудлигини кўпроқ тасдиқлайди.

Диссертацияда умумтан олинган иқтисодий талқинларни, шаҳар ватуманлар миқёсида статистик ахборотнинг очиқлик даражасини, маҳаллий раҳбарият тушуниши учун содда ва очиқ бўлган қишлоқ аҳолисининг турмуш сифатини баҳолаш эҳтиёжларини ҳисобга олиб, турмуш сифатини қишлоқ аҳолиси ҳаёт фаолиятининг асосий соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган таркибий қисмлар билан белгилаш таклиф этилди. Хусусан: демографик ривожланиш; ижтимоий ривожланиш; иқтисодий ривожланиш.

Тадқиқот натижаларига кўра, аҳоли турмуш сифатини комплексли баҳолаш учун уни умумлаштирилган даражада ҳаёт фаолияти муҳити шароитларини баҳолашга имкон берадиган интеграл кўрсаткич кўринишида акс эттириш лозим. Бунда хусусий кўрсаткичларни аҳолининг турмуш сифатини тўлақонли ҳодиса сифатида тавсифлайдиган кўрсаткичга айлантириш назарда тутилади ва у қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$KЖ_{int} = \sqrt[3]{K_1 \times K_2 \times K_3} \quad (1)$$

Диссертацияда аҳоли турмуш сифати объективлигини баҳолаш услубиятидан фойдаланиб, Қорақалпоғистон Республикасининг ҳар бир тумани учун аҳоли турмуш сифати интеграл кўрсаткичи ($KЖ_{int}$), демографик, ижтимоий ва иқтисодий таркибий қисмлар бўйича аҳоли турмуш сифатининг комплексли баҳолари (Kn) ҳисоблаб чиқилди (4-жадвал).

K_1 , K_2 , K_3 таркибий умумлаштириш даражасида комплексли баҳолар асосида $KЖ_{int}$ интеграл баҳосида ифодаланган туманлар аҳолиси турмуш сифатининг объектив даражаси олинди.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида аҳоли турмуш сифатининг интеграл ва комплексли баҳоси бўйича юқори рейтингларни Нукус, Тахиятош шаҳарлари, Кегайли, Амударё, Беруний туманлари, энг қуйи рейтингларни Шуманой, Муйноқ, Нукус, Тахтақўпир туманлари эгаллаган. Рейтинги паст бўлган туманларда ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш бўйича тегишли тадбирларни амалга ошириш зарур бўлади.

Умуман олганда етти йиллик даврда 16 ташаҳар ва туман бўйича меҳнатга лаёқатли ёшда кировчи аҳоли сонининг чиқувчи аҳоли сонидан ортиши кузатилган. 2018 йилда ҳар 1000 кишига ҳисоблаганда энг катта кўрсаткич Нукус ва Тахиятош шаҳарлари, Амударё, Беруний, Қонликўл, Кегайли, Қўнғирот, Нукус, Тўрткўл, Хўжайли, Чимбой туманларида қайд этилган. 5та туман бўйича тесқари динамика кузатилади: кўриб чиқиладиган даврда энг

катта йўқотишлар Қораўзак, Мўйноқ, Тахтақўпир, Шуманой, Эллиққалъа туманларида кузатилди.

4-жадвал

2018 йилдаги Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида аҳоли турмуш сифатининг интеграл ва комплексли баҳолари¹⁶

№	Туман ва шаҳарлар	Аҳоли турмуш сифатининг комплексли баҳолари			Интеграл баҳолар, $KЖ_{int}$	Туманлар рейтинги бўйича
		K_1	K_2	K_3		
1	Нукус шаҳри	1,54	7,69	4,17	3,67	1
2	Тахиатош шаҳри	1,58	0,30	5,47	1,37	3
	Туманлар:					
3	Амударё	2,45	0,37	0,98	0,96	4
4	Беруний	1,72	0,36	0,94	0,83	5
5	Қонлиқўл	0,68	0,06	0,60	0,29	12
6	Қораўзак	1,45	0,12	0,36	0,39	8
7	Кегайли	0,85	0,16	0,36	0,37	10
8	Кўнғирот	1,36	1,03	2,88	1,59	2
9	Мўйноқ	0,88	0,04	0,33	0,23	14
10	Нукус	1,16	0,06	0,13	0,21	15
11	Тахтақўпир	0,82	0,05	0,14	0,17	16
12	Тўртқўл	1,14	0,37	0,23	0,46	9
13	Хўжайли	0,96	0,35	1,68	0,82	6
14	Чимбой	0,97	0,21	1,41	0,66	7
15	Шуманой	0,33	0,07	0,83	0,27	13
16	Эллиққалъа	0,88	0,43	0,09	0,32	11
17	Республика бўйича	0,90	0,46	0,58	0,62	-

Тадқиқотимизда ижтимоий соҳанинг ўзига хос жиҳатлари, хизмат кўрсатишнинг турли-туманлиги, бошқаришнинг мураккаблигини инобатга олган ҳолда ижтимоий инфратузилмани бошқаришда вертикал ва горизонтал занжирнинг бир-бирига боғлиқлиги ҳамда фарқли томонларини ажратишга ҳаракат қилдик.

Горизонтал интеграция ижтимоий инфратузилма субъектлари томонидан бозор улушини ва концентрация самарадорлигини ошириш ва ихтисослашувини чуқурлаштириш мақсадида амалга оширилади.

